

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ ЖАВЛОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**ҚРИМ ВА ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ КЎЧАТЛАРИНИ ЎСТИРИШДА
ОРГАНО-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Жураев Жавлон Мирзатиллаевич

Қрим ва оддий қарағай кўчатларини ўстиришда органо-минерал
ўғитларни қўллаш..... 3

Жураев Жавлон Мирзатиллаевич

Применение органо-минеральных удобрений при выращивании
посадочного материала сосен крымской и обыкновенной..... 19

Jurayev Javlon Mirzatillayevich

The use of organo-mineral fertilizers in growing Crimean and Scots pine
saplings..... 35

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ ЖАВЛОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**ҚРИМ ВА ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ КЎЧАТЛАРИНИ ЎСТИРИШДА
ОРГАНО-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx117 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кожаметов Советбек Кожаметович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Бердиев Эркин Турдалиевич
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Боиров Абдунаби Жураевич
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 29 сентябр соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535600-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 15 сентябрда тарқатилди.
(2018 йил 28 августдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н.,
доцент

М.М. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё атроф муҳит мусаффолигини асрашда, турар жойларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда ўрмонларнинг ўрни бекиёс. Ўрмон дарахтлари орасида эса қарағай туркуми вакилларининг аҳамияти катта ҳисобланади. Қарағай турлари ёғоч тайёрлаш ва кимё саноати учун хом ашё олиш мақсадларида кўплаб майдонларда етиштирилади. Дунё бўйича қарағай ўрмонларининг майдони 325 млн. гектар бўлиб, шундан Европада 75 млн., Осиёда 80 млн., Шимолий Америкада 170 млн. гектарни ташкил этади¹. Кўчатлари аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади.

Дунё бўйича кўчатчиликни ривожлантириш борасида кенг кўламли изланишлар олиб борилиб, дарахт кўчатларининг сифатини ошириш, кўчат етиштириш муддатини қисқартириш, кўчатларини маданий ўрмонда экилгандаги тутиб қолиш даражаси орттириш, маданий ўрмонлар ва манзарали боғ-парклар сифатини ошириш, маданий плантациялар сифатини яхшилаш, серҳосил плантациялар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қрим (*P.pallasiana*) ва оддий қарағай (*P.sylvestris*) кўчатларининг ўсиши ва ривожланишини бошқариш, кўчатларнинг сақланиб қолиш даражасини кўтариш, кўчатларини маданий ўрмонда экилгандаги тутиб қолиш даражасини бошқариш борасидаги олиб борилган илмий изланишлар асосида муҳим натижаларга эришилган;

Республикамиз шаҳар ва қишлоқларини кўкаламзорлаштиришда кўп миқдорда қарағай ва бошқа нинабаргли дарахт турларининг кўчатларига талаб ортмоқда. Кўчатларнинг сифатини ошириш, етиштириш муддатини қисқартириш, инновацион технологияларни ишлаб чиқишга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш...» бўйича бир қатор тадбирларни амалга ошириш вазифалари белгилаб берилган². Бу эса ўрмончилар олдига сифатли ва таннархи арзон, стандарт талабларга жавоб берадиган манзарали кўчатларни кўпайтириш ҳамда жадал етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ўрмон хўжалиги учун долзарб ҳисобланади. Шу билан биргаликда тоғ ва тоғ олди худудларида ҳимоя дарахтзорларини барпо этишда қрим ва оддий қарағай кўчатларидан кенг фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси «Ўрмон тўғрисида» ги (2018 йил 16 апрель) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги ПҚ-2966-сон «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ва бошқа

¹www.wikipedia.org/wiki

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

меъерий-хукукий ҳужжатлардаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот ишлари республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қарағай турларининг кўчатларига органик ва минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича дунёнинг бир қатор давлатларида илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Украинада Е.Г.Жук, Россияда Н.Н.Черноусова, Болгарияда Т.Дакеев, Германияда S.Herbert, Австралияда D.O. Huett, Хитойда С. Lan-xian, Марказий Осиёда Т.А. Желтикова ва С.К.Кожаметовлар илмий-тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистоннинг асосий тупроқ турлари тарқалган минтақалари ўрмон кўчатзорларида қарағай кўчатларини етиштиришда минерал ўғитларни қўллаш бўйича Т.А. Желтикова ва С.К. Кожаметовлар томонидан тавсиялар ишлаб чиқилган. Аммо қарағайларнинг уруғкўчатлари ва кўчатларига ўғитларнинг қай даражада таъсир этиши ўрганилмаган. Ушбу изланишлар бундан 30-45 йил муқаддам олиб борилган бўлиб, бугунги кунда ерга ишлов бериш агротехникаси ва тупроқ унумдорлиги бирмунча ўзгарди. Эндиликда тавсия этилган ўғит миқдорлари, кўчатларни озиклантириш муддатларини қайта кўриб чиқишни давр тақозо этмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қрим ва оддий қарағай уруғкўчатларини етиштиришда органик-минерал ўғитларни қўллаш» ДИТД-12.15.3 (2003-2005 йй.), «Минерал ўғитлар қўллаб қрим қарағай кўчатларини етиштиришни жадаллаштириш» ҚХИ-5-011-2016 (2016-2017 йй.) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қрим қарағайи (*Pinus Pallasiana*) ва оддий қарағай (*Pinus Sylvestris*) стандарт кўчатларини етиштиришда органик-минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул муддати ва самарали меъёрларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қрим ва оддий қарағай уруғлари униб чиқиши ва уруғкўчатларнинг ўсишига органик ва минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш;

қрим ва оддий қарағай кўчатларининг ўсиши ва сифатига ўғитларнинг таъсирини баҳолаш;

кўчатзор тупроғидаги ҳаракатдаги озук элементларининг миқдорини аниқлаш;

қарағай кўчатлари турли органларида асосий озук элементларининг (NPK) миқдорини ва уларнинг кўчат материаллари билан олиб чиқилишини

аниқлаш;

кўчатзорда турли ўғитлардан фойдаланиб етиштирилган кўчатларни доимий ўсиш жойига экилгандаги тутиб қолиш даражасини аниқлаш ва ўсиш ҳолатини таҳлил этиш;

кўчатзорда ўғитлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Тошкент вилояти «Бурчмулла» давлат ўрмон хўжалиги худудидаги крим қарағайи (*Pinus Pallasiana*) ва оддий қарағай (*Pinus Sylvestris*) уруғкўчатлари ҳамда кўчатлари экилган тажриба кўчатзори бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети крим ва оддий қарағай уруғкўчатлари, кўчатлари, минерал ва органик ўғитлар меъёри, муддати, ўғитларнинг кўчат сифатига таъсири кабилар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала тажрибаси, фенологик кузатувлар, биометрик ўлчашлар, тупроқ ва ўсимлик наъмуналарини олиш Б.А. Доспехов услуби асосида амалга оширилди. Тупроқ ва ўсимлик наъмуналарининг кимёвий таҳлили “Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии” қўлланмаси талаблари бўйича ўтказилди.

Тажриба майдонининг иқлим шароитлари «Чимён» метеостанцияси маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Крим ва оддий қарағай кўчатларини етиштиришда органик-минерал ўғитларни қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида ишлаб чиқилган наъмунавий технологик хариталар бўйича аниқланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба крим ва оддий қарағай уруғларининг униб чиқиши ва уруғкўчатларнинг ўсишига органик ва минерал ўғитлар меъёрларининг таъсири аниқланган;

крим ва оддий қарағай кўчатларининг ўсиши ва сифатига ўғитлар меъёрларининг таъсири аниқланган;

кўчатзор тупроғининг ҳаракатдаги ва қарағай кўчатларининг турли органларидаги асосий озуқа элементларининг миқдори аниқланган ва уларнинг кўчат материаллари билан олиб чиқилиши асосланган;

кўчатзорда ўғитлардан фойдаланиб етиштирилган кўчатларни доимий ўсиш жойига экилгандаги тутиб қолиш ва ўсиш даражасининг юқори бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

крим ва оддий қарағай уруғкўчатларининг бўйига ўсиши назоратга нисбатан 46% ва 38% ҳамда стандарт кўчатларнинг миқдори 74,0-92,5% ошишига эришилган;

крим ва оддий қарағай кўчатларининг сақланиб қолиш даражаси 90,3 % ва 92,6% га етказилган;

крим ва оддий қарағай кўчатларини маданий ўрмонда экилгандаги тутиб қолиш даражаси назоратга нисбатан 10,0% га ва бўйига ўсиши 19,4% га

ошишига эришилган;

крим ва оддий қарағай кўчатларини етиштиришда органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий-тадқиқот натижаларини апробация комиссиялари томонидан ижобий баҳоланганлиги; илмий-тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти илмий кенгашида муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз олинганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги ҳамда олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижаларининг республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти крим ва оддий қарағай кўчатларини минерал озикланишининг назарий асослаб берилганлиги ҳамда уларнинг ўстиришда органо-минерал ўғитларнинг мақбул меъёри ва қўллаш муддатларини илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса республика ўрмон хўжаликлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектларда сифатли ва стандарт крим ҳамда оддий қарағай кўчатларини кам сарф харажат қилган ҳолда, уруғкўчат етиштиришда $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га ўғит меъёри, крим қарағай кўчатлари учун $N_{120}P_{90}K_{30}$ кг/га, оддий қарағай кўчатлари учун эса $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га ўғит меъёрида фойдаланишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Крим ва оддий қарағай кўчатларига органик ва минерал ўғитларнинг таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

$N_{120}P_{90}K_{30}$ кг/га меъёрида минерал ўғит қўлланиб, крим ва оддий қарағай кўчатларини етиштириш технологияси Тошкент вилояти «Бурчмулла» давлат ўрмон хўжалигининг 1,0 гектар майдондаги кўчатзориди жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 03/18–1131-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзордан стандарт кўчатларнинг чиқиши 1,5 баробаргача ошган ва олинган даромад ўртача гектарига 76 млн. сўмни ташкил этган;

органик ва минерал ўғит беришнинг мақбул меъёрлари қўлланилган уруғкўчатлардан крим ва оддий қарағайнинг кўчатларини етиштириш технологияси Қашқадарё вилоятининг «Жовуз» ўрмон хўжалиги шароитида 1,0 га майдондаги кўчатзорда жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 30 апрелдаги 03/18-1131-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзордан стандарт кўчатларнинг чиқиши 1,5-1,6 баробарга ошган ва олинган даромад ўртача гектарига 78 млн. сўмни ташкил этган;

$N_{120}P_{90}K_{30}$ кг/га меъёрида минерал ўғит қўлланиб, крим ва оддий қарағай кўчатларини етиштириш технологияси Тошкент вилоятининг Бўстонлик

тумани «Фарход Икромжон Сижжак» фермер хўжалигида 1,0 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2018 йил 27 апрелдаги 01/04-375/18-сон маълумотномаси). Натижада кўчатзордан стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши 1,6-1,7 баробарга ошган ва олинган даромад гектарига 120 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та республика ва 3 та халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий ишлар чоп этилган. Жумладан, 5 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда (1 таси хорижий журналда), 8 та мақола илмий-амалий конференциялар материалларида (жумладан 1 таси хорижий) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги баён этилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, қрим ва оддий қарағайнинг биоэкологик хусусиятлари ва халқ хўжалигида тутган ўрни, кўчатларини етиштиришда минерал ўғитларни қўллаш тажрибаси таҳлил этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот дастури, услуби ва шароити**» деб номланган иккинчи бобида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун зарур бўлган тадқиқот дастури ва уни ўтказиш услублари баён этилган. Дастурда белгиланган вазифалар дала ва лаборатория тажрибалари ёрдамида амалга оширилди. Дала тажрибалари Бурчмулла давлат ўрмон хўжалигининг Сижжак бўлимида, тупроқ ва ўсимликлар таркибининг таҳлили Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти ўрмон тупроқшунослиги ва агрокимё лабораториясида ўтказилди. Дала тажрибалари Б.А. Доспехов услуби асосида ўтказилди. Тупроқ ва ўсимлик наъмуналарининг кимёвий таҳлили «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований почв Средней Азии» қўлланмаси бўйича бажарилди. Тажриба майдонининг иқлим шароитлари «Чимён» метеостанцияси маълумотлари асосида ўрганилди. Ёзда ҳаво ҳарорати ўртача +26,5°С гача кўтарилиб, қишда эса -7°С гача совуқ бўлади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 950,2 мм ни ташкил этади. Ҳавонинг нисбий намлиги

августда 40% атрофида, февралда 70% атрофида бўлади. Шамолнинг тезлиги қишда камроқ (1,1-1,7 м/с), ёзда эса юқори (2 м/с) бўлади. Шамолнинг асосий йўналиши жанубий ва жануби-ғарбий томон бўлиб, бу йўналиш йил давомида ўзгариб туради. Бўстонлик тумани тупроқлари 0-35 см горизонтда 1,73-2,80 % чиринди, 0,180-0,196 % азот ва 0,163-0,168 % фосфорга эга. Бу тупроқларда ўзлаштирилган озукка моддалар элементлари миқдори кам. Нитратнинг миқдори 7,1-10,0 мг/кг ва ўзлаштириладиган фосфор-15,2-26,0 мг/кг. Классификация бўйича улар азот ва фосфор билан таъминланмаган тупроқлардир.

Парвариш пайтида қарағайларга қуйидаги ўғит турлари қўлланилди: карбамид (46%), аммофос (46%) ва калий тузи (46%). Ўғитлар таъсир қилувчи модда миқдорида кг/га ҳисобида берилди.

Қрим ва оддий қарағай уруғкўчатларига органико-минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш схемаси қуйидагича:

а) N – 60, 90 ва 120. Улардан 30 кг/га уруғни сепишдан олдин, қолгани эса вегетация даврида 2-3 марта озиклантириш пайтида берилди.

б) P₂O₅ – 30, 60 ва 90. Улардан 30 кг/га уруғни сепишдан олдин, қолганлари вегетация даврида 1-2 марта озиклантиришда берилди.

в) қарағай уруғини сепишдан олдин калий ўғитлар 30 кг/га миқдорида, чириган органик ўғит эса 20 т/га ҳисобида берилди.

Диссертациянинг «**Қарағай уруғларининг униб чиқиши ва ўсишига органик ва минерал ўғитларнинг таъсири**» деб номланган учинчи бобида органик ва минерал ўғитларнинг қрим ва оддий қарағай уруғларининг унувчанлигига таъсири таҳлил этилган ва 1-2 йил давомида ўсиши ўрганилган.

Қрим қарағайининг уруғлари 5 июнда сепилганида, яккам-дуккам ниҳоллари 15 июнда униб чиқди. Тажрибада шу нарса аниқландики, қрим ва оддий қарағай уруғларини экишда берилган азотли ўғитлар салбий натижа берди. Назорат вариантыда бирламчи униб чиққан ниҳолларнинг сони 1 пог.м да 7 тани, органик ўғит берилган вариантда эса 11 тани ташкил этди. Юқори меъёрларда ўғит берилган N₆₀P₃₀ + органик ўғит, N₉₀P₆₀K₃₀ ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантларда эса 3 тадан ниҳол униб чиқди, холос. Ниҳолларнинг ялпи униб чиқиш даражаси ўғитлар меъёри ошган сари камайиб борди. Жумладан, назорат вариантыда 109 та, органик ўғит – 20 т/га вариантда 102 та бўлган бўлса, N₆₀P₃₀ да 41 та, N₉₀P₆₀K₃₀ қўлланган вариантда эса 39 та ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантда 16 тани ташкил этди. Назоратда уруғкўчатларнинг тутиб қолиш даражаси 53,3%, N₆₀P₃₀ да – 60%, N₁₂₀ P₉₀K₃₀ да 62,4% бўлган. Шунинг учун ҳам ўғитлар ниҳолчалар ялпи униб чиққанидан кейин солинди (июлнинг охири).

Оддий қарағайнинг уруғлари 3 июнда сепилганида, унинг бирламчи ниҳоллари 15 июнда, ялпи равишда эса 20-25 июнда пайдо бўлди. Оддий қарағай ниҳолларининг 15 июнда 1 пог. м да униб чиқиш даражаси ўғитлар меъёри ошган вариантларда камайиб борди. Назорат вариантыда 5 та ниҳол бўлган бўлса, органик ўғит 20 т/га берилган вариантда 6 та, N₆₀P₃₀ вариантыда 4 та унди, N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантыда эса умуман униб чиқмади. Ниҳолларнинг ялпи униб чиқиши даражаси ҳам вариантлар бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади (1-расм). Жумладан назоратда 43,9%, N₆₀P₃₀ да 45,0%, N₉₀P₆₀K₃₀ да 29,4% ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантыда эса 16,1% ни ташкил этди.

Уруғкўчатларнинг тутиб қолиш даражаси назоратда 94,9%, N₆₀P₃₀ да- 93,8%, N₁₂₀P₉₀K₃₀ да эса 86,2% бўлди.

Уруғларни экиш вақтида ўғит берилиши уларни ёнма-ён тушиб қолишига ва натижада уруғларнинг ўсувчи куртаклари зарарланиб, нобуд бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам уруғларнинг униб чиқиш даражаси кескин пасайиб кетди.

Кейинги тадқиқотлар органик ва минерал ўғитларни қрим ва оддий қарағай бир йиллик ниҳолларининг ўсишини ўрганиш бўйича олиб борилди. Қрим қарағайи 1 йиллик ниҳолларининг ўсиши N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантида юқорироқ бўлган. Жумладан бу вариантда баландлиги 10,3% га, илдиз бўғзининг диаметри 16,5% га ортган, илдиз узунлиги эса 8,7 см ни ташкил этди.

Фақат органик ўғит берилган вариантда қарағай баландлиги 13,2% га ортди, илдиз бўғзининг диаметри эса назорат билан бир хил бўлди. N₆₀P₃₀+органик ўғит вариантида баландлиги 4,4% га, илдиз бўғзи 8,0% га ортди. N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантида эса баландлиги 10,3%, илдиз бўғзининг диаметри 16,6% юқори бўлди. Илдиз узунлиги барча вариантларда назоратга нисбатан қисқа бўлди. Назорат вариантыга нисбатан N₆₀P₃₀ вариантда 14% камайди, N₆₀P₃₀+органик ўғит вариантида 23,7%, N₉₀P₆₀K₃₀ да 15,5% ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантида 10,4% қисқа бўлди. Озиқ моддалар етарли бўлгани учун илдиз чуқур ўсмади, бироқ ўғит қўлланилган вариантларда ён илдизларининг миқдори ва умумий зичлиги юқори бўлди.

Органик ва минерал ўғитлар қрим қарағайининг икки йиллик уруғкўчатлари ўсишини кучайтириши тадқиқотларда аниқланди. Уларнинг ўсиш тартиби қўлланилган ўғитларнинг миқдори ва нисбатларига боғлиқдир. Хусусан N₉₀P₆₀K₃₀ ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантларда ўсиш юқорироқ бўлди. Шу вариантларда уруғкўчатлар танасининг баландлиги 14,6 ва 14,8 см ёки назоратга нисбатан (100%) мос равишда 142,9 ва 145,4% юқори бўлди. Органик ўғитли вариантда (20 т/га) ўсиш 112,6%, N₆₀P₃₀+органик ўғит вариантида эса 123,3% бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Органик ва минерал ўғитларни икки йиллик қрим қарағайи уруғкўчатларининг ўсиши ва сифатига таъсири

Вариантлар	Танасининг баландлиги				Илдиз бўғзининг диаметри				Кўчатларнинг чиқиши, минг дона/га		
	см M±m	Назоратга нисбатан		Таж-риба аниқлиги, Р	мм M±m	Назоратга нисбатан		Таж-риба аниқлиги, Р	Жами	Шу жумладан стандарт	Назоратга нисбатан, %
		%	t			%	T				
Назорат (ўғитсиз)	10,2±0,22	100	0	2,2	2,2±0,11	100	0	5,0	1700	376	100
Органик ўғит-20 т/га	11,5±0,21	112,6	4,2	1,8	2,3±0,09	103,3	0,5	3,8	1898	441	117,3
N ₆₀ P ₃₀	11,8±0,18	115,7	5,6	1,6	2,5±0,10	111,7	1,8	4,0	2180	654	173,9
N ₆₀ P ₃₀ +органик ўғит	12,6±0,15	123,3	8,9	1,2	2,4±0,10	107,6	1,1	4,3	2000	717	190,6
N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	14,6±0,20	142,9	14,5	1,4	2,8±0,11	124,6	3,5	4,1	1850	748	198,9
N ₁₂₀ P ₉₀ K ₃₀	14,8±0,23	145,4	14,4	1,6	2,8±0,11	125,0	3,5	4,1	1830	792	210,6

Минерал ўғитлар тўлиқ берилганда ($N_{90}P_{60}K_{30}$ ва $N_{120}P_{90}K_{30}$ вариантларида) илдиз бўғзининг ўртача диаметри 2,8 мм ни ёки назоратга (100%) нисбатан 127 % бўлди. $N_{60}P_{30}$ алоҳида ва органик ўғит билан бирга солинганда илдиз бўғзининг диаметри 2,5 ва 2,4 мм ёки назоратга нисбатан 113% ва 111% бўлди. Органик ўғит солинган вариантда бу кўрсаткич 6% га кўпайди.

$N_{90}P_{60}K_{30}$ ва $N_{120}P_{90}K_{30}$ қўлланган вариантларда стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши юқорироқ бўлди, яъни 748 ва 792 минг дона/га, назоратда эса 376 минг дона/га. Органик ўғит-20 т/га берилган вариантда уруғкўчатлар сони 441 минг дона/га, $N_{60}P_{30}$ да 654 минг дона/га, иккаласи бирга солинган вариантда эса 717 минг дона/га бўлди.

Қуруқ модда вазни 100 дона уруғкўчатлар нинабарглари, танаси ва илдизларининг вазни бўйича алоҳида аниқланди. Танасининг вазни $N_{120}P_{90}K_{30}$ вариантда энг юқори кўрсаткич – 23,7 г ни ташкил этди. Нинабарглариининг вазни эса $N_{60}P_{30}$ вариантыда ва унинг органик ўғит билан бирга берилган вариантыда юқорироқ бўлди, яъни мос равишда 42,4 ва 43,5 г ни ташкил этди. Илдиз тизими ҳам ўғит меъёри ошган сари кўпайиб борди. Қуруқ модда умумий вазни уруғкўчатларнинг шу вариантларида мос тарзда 85,0 г ва 86,9 г бўлди, бу эса назоратга нисбатан 1,7 ва 1,8 маротаба юқорироқдир. Органик ўғитни минерал ўғитсиз берилганда самараси камроқ бўлди.

Оддий қарағайнинг икки йиллик уруғкўчатларига ўғитлар юқори меъёрларда солинганда, яъни $N_{90}P_{60}K_{30}$ ва $N_{120}P_{90}K_{30}$ бўлган вариантларда қуруқ модданинг жами вазни юқори мос тарзда 70,2 ва 75,4 г натижани кўрсатди. Шундай самара қрим қарағайи бўйича ҳам кузатилди. Бу вариантларда танасининг вазни мос равишда 18,8 г ва 19,1 г, нинабарглари эса 29,2 ва 31,0 г, илдизлари 22 ва 25 г ни ташкил этди. Органик ўғит алоҳида ва минерал ўғитлар билан қўшиб берилган вариантлари ҳам қуруқ модданинг тўпланишига ижобий таъсир кўрсатди. Танаси тегишлича 17,2 ва 18,3 г, нинабарглари 24,2 ва 29,2 г, илдизлари эса 9,6 г ва 22 г ни ташкил этди.

Маълумки, ўсимликлар органик ҳолдаги озуқа элементларни тўғридан-тўғри ўзлаштира олмайди. Улар ўсимлик ўзлаштира оладиган ҳолатга, яъни фаол озуқа элементларга айлангач самара бера бошлайди. Тупроқда озуқа моддаларнинг сақланиб қолишида ҳарорат, намлик, тупроққа ишлов бериш даражаси, микробиологик жараёнларнинг фаоллиги, органик ва минерал ўғитларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Нитрификация жараёнларининг ўтиши учун намлик 70-80% бўлиши яхши натижа беради. Нитрификациялаштирувчи бактерияларнинг ҳаёт фаолияти учун мақбул ҳарорат 20-30 °С бўлиши лозим. Тупроқ намуналари 3 муддатда, яъни 20 июнь, 25 июль ва 25 сентябрда тупроқнинг 0-30 см қатламидан олинди ва лабораторияда таҳлил қилинди.

NH_4 нинг миқдори июнь ва сентябрь ойларида юқори бўлган, ўсимлик фаол ўсадиган июль ойида эса тупроқ таркибидаги NH_4 ни кўпроқ ўзлаштирган. NO_3 ва P_2O_5 миқдори эса, аксинча июль ойида кўпроқ бўлган. Ушбу элементларнинг миқдори ҳар бир вариант ва муддатга боғлиқ ҳолда турлича ўзгарган. Масалан, қрим қарағайи уруғкўчатларининг назорат ва ўғитлар юқори меъёрларда берилган вариантларда NH_4 нинг миқдори орасидаги фарқ июнь ва июль ойларида 7 мг дан 11,9 мг гача бўлган, 3 муддат бўйича эса катта бўлган. Органик ўғит-20 т/га ва $N_{60}P_{30}$ берилган вариантларда эса мос равишда 4,1 мг ва 4,0 мг/кг ташкил этган.

NO₃ нинг миқдори эса июлда N₆₀P₃₀ вариантида юқори (39,1 мг) даражада ошган. Бошқа вариантларда эса бу кўрсаткич июлда июнга нисбатан 22,3 мг дан 34,8 мг/кг гача ўзгарган.

P₂O₅ нинг миқдори эса N₆₀P₃₀ ва N₁₂₀P₉₀K₃₀ вариантларда юқори бўлди, яъни мос равишда 13,9 мг ва 17,1 мг ни ташкил этди. Бошқа вариантларда эса 3,4 мг дан 12,5 мг/кг гача ошган.

Уруғкўчатлар танасида умумий азот миқдорининг энг юқори даражаси илк ёшида кузатилди, вегетациянинг сўнггида эса азотнинг миқдори камайди. Бу пасайиш баъзи органларда (нинабарги) кўпроқ, бошқаларида эса камроқ қайд этилди. Нинабаргларда бу элементлар нисбатан кўпроқ бўлди. Азотнинг юқори фоизи уруғкўчатларнинг ўсиш фазасида кузатилди (25.07), кейин эса унинг сезиларли даражада пасайиши бошланди. Бу даврда кўчатлар бўйига ўса бошлайди. Бунда азотнинг ассимиляциялаштирувчи органлардан ўтишига қулай имкон туғилади. Уруғкўчатларда вегетация охиригача азотнинг сақланиши нинабаргларда вегетация ўртасида қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолди. Бироқ танасида у биров камайди: яъни 2,26% дан 2,40% гача етди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, илк ёшида (нинабаргларининг шаклланиши 20.06) ўғит бериш ўсимлик томонидан азотни ўзлаштиришини кўпайтирди.

Фосфорнинг нинабарглар ва таналарда мутлоқ сақланиб қолиши вегетация давридан сўнг пасаяр экан. Жадал ўсиш даврида (25.07-25.08) вегетатив органларда P₂O₅ концентрациялари кескин пасайиб кетди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, назоратдаги вариантда нинабаргдаги фосфорнинг сақланиши бўйига ўсиш даврида (25.08) фақат 2,23% ни ташкил этган. Бунинг сабаби нинабаргларнинг шаклланиш фазасида бўлди (20.06). Танадаги фосфорли кислота концентрацияси бу вақтда пасайган, лекин игнабарглардагидек эмас.

Айрим органларда калийнинг миқдори кучли ўсиш даврида (30.08) биринчи даврдаги кўрсаткичнинг нинабаргларда 18-20%, танада 35-40% ни ташкил этди. Калийнинг максимал даражаси ўсимликнинг барча қисмларида илк даврларида кузатилди. Қуруқ вазнда калийнинг сақланиб қолиши худди азот ва фосфор сингари турли миқдордаги ўғитлар берилганда сезиларли даражада ўзгарди. Ўсимликлар униб чиққанидан то ўсиш даври давомида калийнинг ўсимликларга интенсив сўрилиш даврида таъсири кучлидир.

Диссертациянинг «**Парвариш бўлимида қрим ва оддий қарағай кўчатларининг ўсиши ва сифатига органико-минерал ўғитларнинг таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида қрим ва оддий қарағай кўчатларини кўчатзорнинг парваришlash бўлимида ўстириш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган. Биринчи йили кўчатларнинг энг юқори баландлиги N₁₂₀P₉₀K₆₀ ва N₁₅₀P₁₂₀K₆₀ вариантларда кузатилди. Ушбу вариантларда кўчатлар баландлиги мос тарзда 125-129,2% ни, илдиз бўғзининг диаметри эса 136,2-137,9% ни ташкил этди. Бу эса назоратдагига нисбатан мос равишда 25-29,2% ва 36,2-37,9% кўпдир (1-расм).

Иккинчи йили органик ва минерал ўғитлар қўшиб солинган вариантларда қрим қарағайи кўчатлари яхшироқ ўсиши кузатилди. N₆₀P₃₀+20 т/га органик ўғит вариантда баландлиги 42,6 см, илдиз бўғзининг диаметри 8,4 мм бўлди. N₁₂₀P₉₀K₆₀ вариант ҳам яхши натижа берди. Қарағайнинг бўйи 51,2 см, диаметри 9,2 мм бўлди. Бу эса назоратга нисбатан (100%) мос равишда 146,3% ва 148,4% юқори демакдир. N₁₅₀P₁₂₀K₆₀ вариантда қрим қарағайи кўчатларининг бўйи 58,3

см, илдиз бўғзининг диаметри 9,7 мм ни ташкил этди. Назорат вариантда бу кўрсаткичлар мос равишда 35,0 см ва 6,2 мм бўлди (2-жадвал).



1-расм. Тажриба вариантларидаги крим қарағай кўчатларининг 3-йилдаги кўриниши: 1. Назорат (ўғитсиз); 2. N₆₀P₃₀; 3. Органик ўғит 20 т/га; 4. N₆₀P₃₀+20 т/га органик ўғит; 5. N₉₀P₆₀K₃₀; 6. N₁₂₀P₉₀K₆₀; 7. N₁₅₀P₁₂₀K₆₀.

2-жадвал


Парвариш бўлимидаги крим қарағайи кўчатларини 2-йилда ўсишига органик-минерал ўғитларнинг таъсири, 2008 й.

№	Вариантлар	Ўғит беришдан олдин (23.05.08)		Вегетация охирида (20.09.08)			
		Н, см M±m	D, см M±m	Н, см M±m	Тажриба аниқлиги, Р	D, см M±m	Тажриба аниқлиги, Р
1.	Назорат (ўғитсиз)	24,0±0,10	5,8±0,06	35,0±0,17	0,49	6,2±0,08	1,28
2.	N ₆₀ P ₃₀	26,0±0,11	6,1±0,07	40,6±0,06	0,15	7,0±0,07	0,99
3.	Органик ўғит 20 т/га	25,0±0,09	6,9±0,04	40,0±0,12	0,31	7,7±0,07	0,89
4.	N ₆₀ P ₃₀ +20 т/га органик ўғит	27,0±0,09	7,4±0,06	42,6±0,09	0,22	8,4±0,04	0,53
5.	N ₉₀ P ₆₀ K ₃₀	28,0±0,10	7,9±0,04	46,4±0,06	0,13	8,9±0,07	0,74
6.	N ₁₂₀ P ₉₀ K ₆₀	30,0±0,17	7,9±0,07	51,2±0,06	0,12	9,2±0,05	0,53
7.	N ₁₅₀ P ₁₂₀ K ₆₀	31,0±0,11	8,0±0,06	58,3±0,06	0,11	9,7±0,04	0,42

Органо-минерал аралашмалар ($N_{60}P_{30}$ +органик ўғит 20 т/га) берилганда қуруқ модда кўпроқ тўпланди. Янада юқори ҳолат эса ўғитларнинг икки хил шаклдагиси, яъни $N_{60}P_{30}$ берилганда кузатилди (2-расм).

Ҳақат биргина органик ўғит (20 т/га) қрим қарағайига нисбатан оддий қарағайда қуруқ модда тўпланишига жиддий таъсир этди. Масалан, бир туп оддий қарағай кўчатидаги биомасса юқорида кўрсатилган вариантда 222,3 г, қрим қарағайида эса 190,0 г бўлди, ушбу кўрсаткичлар назорат вариантларда мос равишда 202,0 ва 180,1 г ни ташкил этди.

Қрим ва оддий қарағай кўчатларини етиштиришда уларнинг сақланиб қолиш кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, органик ўғитлар билан озиклантирилган тажриба майдонларидаги кўчатларнинг тутиб қолиш даражаси ҳам ўрганилди. Уч йил давомида бу кўрсаткич ўрта ҳисобда қрим қарағайи учун 85,1% ни, оддий қарағай учун эса 92,9% ни ташкил этди. Вариантлар бўйича бу кўрсаткич қрим қарағайи учун 79,0% дан 97,1% гача бўлди. Бундан шу нарса маълум бўлдики, $N_{60}P_{30}$, $N_{60}P_{30}+20$ т/га органик ўғит ва $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантларида кўчатларни тутиб қолиши 96% ни, назорат вариантда эса бу кўрсаткич 79,0% ни ташкил этди. Оддий қарағай кўчати бўйича эса энг юқори кўрсаткич $N_{60}P_{30}+20$ т/га органик ўғит ва $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантларда кузатилди (96,9%). Ўғит берилмаган вариантда оддий қарағай кўчатларининг тутиб қолиш даражаси энг паст 85,7 % бўлди. Ушбу кўрсаткичдан шуни айтиш мумкинки, ўғит берилмаган вариантда озик модда етишмаслигидан кўчатлар кўпроқ нобуд бўлган. Тажрибада ҳар иккала дарахт тури учун ҳам $N_{60}P_{30}+20$ т/га органик ўғит ва $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантлари энг мақбул деб топилди.



2-расм. Органо-минерал ўғитларнинг Қрим қарағайи кўчатлари бўйининг ўсишига таъсири

Қрим қарағайи кўчатларининг минерал озикланиши. 2007-2008 йилларда тупроқнинг юқори қатламида (0-50 см чуқурликкача) ҳаракатланувчи азот ва фосфорнинг сақланишини турли меъёр ва органино-минерал ўғитларнинг турли нисбатида аниқланди. Шу йиллари айнаи бир вақтда қрим қарағай игнабаргларида NPK сақланиши ҳам ўрганилди.

N₉₀P₆₀K₃₀ ва N₁₂₀P₉₀K₆₀ ларни икки йил мобайнида берилиши натижасида назоратдагига нисбатан азотнинг умумий шакллари сақланиши юқори бўлди. Азотнинг аммиакли шакли икки йил мобайнида тупроқда нитратли шаклига нисбатан кўпроқ сақланган. Вегетация даврининг охирига келиб, улар орасидаги фарқ анчагина камайди. Бунга азотнинг аммиакли шакли миқдорини камайтириш ҳисобига эришилади. Нитрат азоти эса мавсум давомида кам ўзгарди.

Қарағай нинабаргларида энг кўп фосфор миқдори N₁₂₀P₉₀K₃₀ ва N₁₅₀P₁₂₀K₆₀ қўлланилган вариантларда кузатилди. Аммофос берилишига қарамасдан, қарағай кўчатларида вегетация ўртасигача фосфор етарли миқдорда бўлмаганлиги аниқланди. Демак, шохларнинг ўсишига тупроқдан олинадиганидан кўра кўпроқ фосфор сарфланар экан.

N₁₂₀P₉₀K₃₀ ва N₁₅₀P₁₂₀K₆₀ қўлланган вариантлар нинабаргларда азотнинг максимал даражаси кузатилди. Шунча миқдорда ўғит берилганда, вегетация даврининг бошида фосфор миқдори ортиб, назоратдагига нисбатан вегетация даврининг иккинчи ярмида камайганлик ҳолатлари ҳам бўлди. Нинабарглар таҳлилига кўра калийнинг миқдори барча ҳолатларда сақланиб қолди.

Диссертациянинг **«Қарағай кўчатларини маданий ўрмонда тутиб қолиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги»** деб номланган бешинчи бобида органино-минерал ўғитлар берилган кўчатзордан олиб ўтказилган оддий ва қрим қарағайи кўчатларининг доимий ўсиш жойидаги ўсиб ривожланиш ва тутиб қолиш даражаси ҳамда қарағай кўчатларига ўғит беришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлил этилган.

Кўчатзордан олинган қрим ва оддий қарағай кўчатлари назоратдагига нисбатан 5-10% кўп сақланиб қолган. Мақбул озуқа режимида етиштирилган қрим ва оддий қарағайнинг сақланиб қолиши назоратдаги билан деярли бир хил - 90,0 ва 91,0% бўлди. Биринчи йил ўтказилган қрим қарағай кўчатларининг интенсив ўсиши N₁₂₀P₉₀K₃₀ меъёрида ўғитлар берилган вариантда 146,2 см, назоратда эса 122,4 см бўлган. N₆₀P₃₀+органик ўғит 20 т/га меъёрида ўғитлар берилган вариантда ҳам кўчатлар яхши ўсган, лекин бу кўрсаткич минерал ўғит берилганларга нисбатан бироз пастроқ. Оддий қарағай кўчатларининг ўсиши ўғит берилган вариантларда назоратга ва қрим қарағайига нисбатан пастроқ бўлди.

Қрим қарағайи кўчатларига N₁₂₀P₉₀K₆₀ (асосан вегетация давомида озиклантириш) бериб етиштирилган вариантда икки йиллик кўчатларнинг бўйи 57,5% га, илдиз бўғизи 37,1% га ортди, сақланиб қолиш кўрсаткичи эса 97,3% ни ташкил этди.

Илмий-тадқиқот ишлари натижалари ва ўғит қўллашдаги амалий ишлар шуни кўрсатдики, кўчатзордаги кўчатларга юқори даражадаги агротехника қўлланилса ва ўсимликларни ўсиши учун керак бўлган шароит яратилса, ўғитларнинг самарадорлиги етарли миқдорда юқори бўлди.

Иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаб чиқишда кўшимча харажатлар, шунингдек, фойдани назорат вариантга нисбатан таққослаб чиқдик. Мазкур

харажатга қуйидагилар киритилди: ўғитларнинг нархи, уларни юклаш, ташиб келтириш, ерга сепиш ва кўчатзордаги барча парваришлар ишлари ҳисобга олинди.

Маълумки, фойда-уруғкўчат ва кўчатларни реализация қилишдан олинади (ўғитланган вариантдан назоратдагига нисбатан).

Энг яхши кўрсаткичлар қрим қарағайида $N_{90}P_{60}K_{30}$ ва $N_{120}P_{90}K_{30}$ қўлланган вариантларда қайд этилди. Ўғит қўллаш ҳисобига олинган кўчатларга кетган жами харажатлар мос равишда 6532,2 ва 6559,5 минг сўми, соф фойда эса 83115,9 ва 83440,5 минг сўми ташкил этди, яъни қўшимча фойда $N_{60}P_{30}$ вариантга нисбатан 1,7 ва 1,6 баробар ортди. Оддий қарағай кўчатларини етиштиришда эса энг юқори кўрсаткич $N_{60}P_{30}+20$ т/га органик ўғит ҳамда $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантлар бўйича кузатилди, ўғит қўллаш ҳисобига олинган кўчатларга кетган жами харажатлар 4405,8 ва 4551,6 минг сўм, соф фойда эса 43954,2 ва 45408,4 минг сўми ташкил этди. Бунда қўшимча фойда $N_{60}P_{30}$ вариантга нисбатан 1,83 ва 1,84 баробар ортди. $N_{120}P_{90}K_{30}$ қўлланган вариантда ҳам яхши самарага эришилди. Соф фойда 45553,8 минг сўми ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,75 баробар юқори бўлди.

ХУЛОСА

1. Қрим ва оддий қарағай уруғларининг униб чиқишига нисбатан кўпроқ минерал ўғитлар салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Уруғларни экиш вақтида кўп меъёрда ўғит берилиши (асосан азотли) уруғларнинг ўсувчи куртакларининг зарарланиб, нобуд бўлишига олиб келди. Шунинг учун ҳам назорат ва $N_{60}P_{30}$ қўлланган вариантларда униб чиқиш даражаси юқори бўлди.

2. Қрим қарағайи уруғкўчатининг кейинги босқичларида (2-3 ойидан) ўсиши органик ва минерал ўғитлар таъсирида тезлашди. 2 йиллик уруғкўчатларнинг яхши ўсиши $N_{90}P_{60}K_{30}$ қўлланган вариантда кузатилди. Бунда уруғкўчатларни ўртача баландлиги 14,6 см бўлиб, бу назоратдагига нисбатан 44% кўп бўлиши аниқланди.

3. Ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига қрим қарағайи стандарт кўчатлари чиқиши ошди. Ўғитлар $N_{90}P_{60}K_{30}$ қўлланилган вариантда стандарт кўчатларнинг сони 748 минг дона/га бўлган бўлса, назорат вариантыда эса бу кўрсаткич 376 минг дона/га бўлди.

4. Икки йиллик оддий қарағай уруғкўчатларининг ўғитлар $N_{90}P_{60}K_{30}$ меъёри қўлланган вариантда ўсимликларнинг баландлиги назоратга нисбатан мос равишда 33,3 % га, биовазни эса 1,7 марта юқори бўлди.

5. Ўғитлар $N_{90}P_{60}K_{30}$ меъёрда қўлланилганда стандарт уруғкўчатларнинг чиқиши 74,0 % га ортди. Органик ва минерал ўғитлар бирга қўлланилганда эса стандарт уруғкўчатлар сони 48,1% га ошганлиги кузатилди.

6. Кўчатларни тез ўсиши минерал ўғитлар юқори миқдорда қўлланилган вариантларда ($N_{120}P_{90}K_{60}$ ва $N_{150}P_{120}K_{60}$) кузатилди ва назоратга нисбатан қрим қарағайининг бўйи 30,3 ва 43,4 см, илдиз бўғзининг диаметри эса 3,6 мм га юқори бўлди. Оддий қарағай бир йиллик кўчатининг ўртача баландлиги гектарига $N_{120}P_{90}K_{30}$ ўғит берилган вариантда 25,8 см бўлди. Бу эса назоратдагига нисбатан 16,7 % кўп демакдир.

7. Қрим ва оддий қарағай кўчатларини етиштиришда уларни сақланиб қолиш кўрсаткичи муҳим аҳамиятга эгадир. Уч йил давомида бу кўрсаткич ўғитланган вариантларда ўрта ҳисобда қрим қарағайи учун 92,6 % ни, оддий қарағай учун эса 90,3 % ни ташкил этди. Назорат вариантда эса 84,0-88,0 % бўлди.

8. Кўчатзорда ўғит бериб етиштирилган қрим ва оддий қарағай кўчатлари маданий ўрмонда экилганда тутиб қолиш даражаси биринчи йили назоратга нисбатан 10,0 %, бўйининг баландлиги эса 15,6-19,4 % кўп бўлган.

9. Иқтисодий самарадорлик бўйича энг яхши кўрсаткичлар қрим қарағайида $N_{90}P_{60}K_{30}$ ва $N_{120}P_{90}K_{30}$ қўлланган вариантларда қайд этилди. Ўғит қўллаш ҳисобига олинган кўчатларга кетган жами харажатлар мос равишда 6532,2 ва 6559,5 минг сўмни, соф фойда эса 83115,9 ва 83440,5 минг сўмни ташкил этди, яъни қўшимча фойда $N_{60}P_{30}$ вариантга нисбатан 1,7 ва 1,6 баробар ортди. Оддий қарағай кўчатларини етиштиришда эса энг юқори кўрсаткич $N_{60}P_{30}+20$ т/га органик ўғит ҳамда $N_{90}P_{60}K_{30}$ вариантлар бўйича кузатилди, ўғит қўллаш ҳисобига олинган кўчатларга кетган жами харажатлар 4405,8 ва 4551,6 минг сўм, соф фойда эса 43954,2 ва 45408,4 минг сўмни ташкил этди. Бунда қўшимча фойда $N_{60}P_{30}$ вариантга нисбатан 1,83 ва 1,84 баробар ортди. $N_{120}P_{90}K_{30}$ қўлланган вариантда ҳам яхши самарага эришилди. Соф фойда 45553,8 минг сўмни ташкил этиб, назоратга нисбатан 1,75 баробар юқори бўлди.

10. Жигарранг карбонатли тупроқ шароитида қарағай уруғларини экиш учун ўғитлар кузда ерни хайдаш вақтида 20 см чуқурликка солинади. Бунда 20 т/га органик ўғит минерал ўғитлар билан биргаликда яъни $N_{30}P_{30}K_{30}$ (таъсир қилувчи қисми 1 га ҳисобида) берилади. Экинларни бошланғич давридаги ўсишини тезлаштириш учун 3-4 см чуқурликка 30 кг/га микдорида суперфосфат солиш тавсия этилади. Агар уруғларни экишдан олдин ерга асосий ўғитлар солилмаган бўлса, унда минерал ўғит билан озиклантирилади. 1 йиллик экинларда ниҳолчалар пайдо бўлгандан сўнг N ва P дан солинади (хар бири 30 кг/га.дан). Икки йиллик экинларда шунга ўхшаш N ва P нинабарглар ёзилишининг бошида ва ўсимликнинг интенсив ўсиш даврида 30 кг/га бериш тавсия этилади.

11. Қрим қарағай кўчатлари минерал ўғитларга талабчанлиги юқорилиги сабабли берилган ўғит меъёрлари ортиб бориши билан унинг ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўғитларни $N_{120}P_{90}K_{30}$ кг/га меъёри тавсия қилинади. Оддий қарағай кўчатлари учун ўғитлар $N_{90}P_{60}K_{30}$ кг/га йиллик меъёрда тавсия қилинади. Ҳар иккала қарағай турига кўчат етиштириш даврида ўғитларни қўллаш меъёрлари куйидагича тақсимланади: азотли ўғит йиллик меъёрининг 25% шудгор остига, 25% экиш даврида ва қолган 50 %и икки муддатда қўлланилади. Фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60 %и шудгор остига, 20% экиш даврида ва 20% ўсимликнинг бўйига ўсиш даврида берилади. Калийли ўғитларнинг йиллик меъёрининг 50 %и шудгор остига ва қолган 50 %и вегетация давомида берилиши тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЛЕСНОГО
ХОЗЯЙСТВА**

ЖУРАЕВ ЖАВЛОН МИРЗАТИЛЛАЕВИЧ

**ПРИМЕНЕНИЕ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ ПРИ
ВЫРАЩИВАНИИ ПОСАДОЧНОГО МАТЕРИАЛА СОСЕН КРЫМСКОЙ
И ОБЫКНОВЕННОЙ**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.2.PhD/Qx117.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте лесного хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Кожаметов Советбек Кожаметович
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты:

Бердиев Эркин Турдалиевич
доктор сельскохозяйственных наук

Боиров Абдунаби Жураевич
кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт садоводства,
виноградарства и виноделия имени академика
Махмуд Мирзаева**

Защита диссертации состоится 29 сентября 2018 года в 12⁰⁰ часов на заседании разового научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 535600). (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 15 сентября 2018 года.
(реестр протокола рассылки №1 от 28 августа 2018 года).

Б.А. Сулаймонов

Председатель научного совета по присвоению ученых степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов

Учёный секретарь научного совета по присвоению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

М.М. Адилев

Председатель научного семинара при научном совете по присвоению учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В сохранении чистоты окружающей среды, благоустройстве и озеленении жилых территорий роль лесных насаждений огромна. Различные виды сосен выращиваются на обширных площадях в целях получения древесины и сырья для химической промышленности. По всему миру площади сосновых лесов составляют 325 млн. гектаров, из них в Европе этот показатель составляет 75 млн., в Азии 80 млн., в Америке 170 млн. гектаров¹. Саженьцы широко используются в озеленении населенных мест.

Во многих странах мира проводятся работы по улучшению качества и сокращению сроков выращивания саженцев хвойных видов в питомнике, повышению приживаемости саженцев в лесных культурах, создание высокопродуктивных плантаций и улучшению состава лесных культур и декоративных насаждений садово-парковых комплексов. При выращивании саженцев сосны крымской (*P.pallasiana*) и обыкновенной (*P.sylvestris*) достигнуты значительные результаты при научных исследованиях по управлению и развитию саженцев, повышению сохранности саженцев в питомнике, повышению их приживаемости после пересадки в лесные культуры.

В озеленении городов и сел республики в большом количестве растет потребность на саженцы сосны и других хвойных деревьев. Большое внимание уделяется повышению качества саженцев, сокращению сроков выращивания, разработке инновационных технологий. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы одной из важнейших стратегических задач обозначена «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства...»². А это ставит перед лесоводами задачу разработки технологии выращивания посадочного материала декоративных хвойных деревьев в короткие сроки с низкой себестоимостью, что является актуальным для лесного хозяйства. Наряду с этим, в закладке защитных лесонасаждений в горных и предгорных районах широко используются саженцы сосен крымской и обыкновенной.

Данное диссертационное исследование в определенной мере будет способствовать научной реализации задач, обозначенных в законе Республики Узбекистан «О лесе» (16 апреля 2018 года), Постановлении Президента Республики Узбекистан от 11 мая 2017 года ПП-2966 “Об организации деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по лесному хозяйству” и других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Научное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

¹www.wikipedia.org/wiki

²Постановления Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Стратегия развития по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Степень изученности проблемы. Изучению влияния органических и минеральных удобрений на саженцы видов сосны проводились во многих странах мира. На Украине исследования вел Е.Г.Жук, в России Н.Н.Черноусова, в Болгарии Т.Дакеев, в Германии S.Herbert, в Австралии D.O. Huett, в Китае С. Lan-xian, в Центральной Азии Т.А. Желтикова и С.К.Кожаметов.

Т.А. Желтиковой и С.К. Кожаметовым проведены исследования по применению минеральных удобрений в лесных питомниках в Узбекистане. Однако не изучена степень влияния удобрений на сеянцы и саженцы сосны. Подобные исследования проводились 30-45 лет тому назад. К настоящему времени несколько изменилась агротехника выращивания и плодородие почвы, поэтому само время требует пересмотра рекомендованных норм удобрений, сроков внесения и совершенствования в целом работ в данном направлении.

